Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА, № 113 (861).
Сотувда эркин нархда. 1994 ЙИЛ

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мустақил Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда ўтаётган Халқаро хотин-қизлар конференцияси иштирокчилари, муҳтарама аёллар, хонимлар!

Дунёнинг турли мамлакатларидан келган Сиз, азиз меҳмонларимизни самимий муборакбод этаман ва анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Жаҳонда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида, инсонларнинг ҳамжиҳатлигини, жамиятнинг маънавий асосларини тобора мустаҳкамлашда, ёш авлодни камол топтиришда, ҳаётимизни янада юксакроқ поғоналарга кўтаришда Сизларнинг — халқаро аёллар ҳаракати фаолларининг фидойилиги беқиёсдир.

Шу боис соғлом авлод тарбиясини, аёллар ва болалар, оила ижтимоий муҳофазасини ўз сиёсатининг энг устивор йўналиши этиб белгилаган суверен давлат — Ўзбекистонимизда бундай халқаро анжуманнинг ўтиши биз учун ғоят аҳамиятли воқеадир.

Конференциянгиз иши унумли ва самарали бўлишига ишончим комил.

Сизларга, аввало, оналар учун энг азиз ният бўлган тинчлик ва осойишталик, соғлик-саломатлик, фарзанд ва оила, жамият фаровонлиги, гўзаллик ва бахт тилайман!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

*Хамкорлик робиталари*

## Марказий Осиё шифокорлари анжумани

Тошкентда Марказий Осиё пульмонологлари ва аллергологларининг биринчи конгресси бўлди. Унда минтақа тиббиёт олимларидан ташқари Россия Федерацияси, шунингдек бошқа мамлакатлар мутахассислари ҳам иштирок этаётгани анжуманда муҳокама қилинаётган муаммоларнинг долзарблигидан далолат беради. Конгрессга нафас йўли касалликларига қарши юқори сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган «Берингер ингельхайм» (Австрия) ва «Эрих егер» (Германия) сингари жаҳонга машҳур фирмаларнинг вакиллари ҳам келган.

Тиббиёт ходимларининг бу анжумани жуда катта аҳамият касб этади: у соғлиқни сақлашнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаш зарурлиги яққол сезилиб турган соҳасида Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан алоқалари кучайиб бораётганидан далолат беради, — деди республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов.

— Тобора куп тарқалаётган нафас йўллари ва ўпка касалликлари, афсуски, минтақамизда ҳам кўп учрайди.

Хусусан, «Эрих егер» фирмаси билан алоқа ўрнатилгани туфайли Тошкентдаги фтизиатрия ва пульмонология илмий тадқиқот институтида нафас қисиш касаллигини дори-дармонларсиз даволаш усули жорий этилди. Институт шифохонаси Германиядан келтирилган энг янги тиббий асбоблар билан жиҳозланган.

Венадаги «Берингер ингельхайм» фирмасининг дори-дармонлари Ўзбекистоннинг кўпгина шифохоналарида қўлланилмоқда. Фирма ўпка касалликларини даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган жаҳондаги йирик корхоналардан бири бўлиб, ҳозирги вақтда Марказий Осиёдаги барча мустақил давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон билан ҳам, ҳамкорлик қилмоқда. Яқинда Тошкентда фирманинг ваколатхонаси очилди. Унинг мақсади шифохоналарни дори-дармонлар билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда республика соғлиқни сақлаш тизимига ёрдам беришдан иборат. Фирма инсонпарварлик ёрдами сифатида Ўзбекистонга қиймати 300 минг немис маркасини ташкил этадиган дори-дармонни ҳадя этди.

Конгресс доирасида нафас олиш аъзолари касалликлари ташҳиси ва муолажаси муаммоларига бағишланган семинар, давра суҳбати ўтказилади, Марказий Осиё республикалари нафас йўллари — ўпка хасталиклари мутахассислари уюшмасининг таъсис конференцияси бўлади.

**(ЎзА мухбири).**



Чортоқ пахта тозалаш заводи қошидаги тикувчилик фабрикаси чеварлари тикаётган маҳсулотлар — болалар ва катталарнинг яктаги, кўйлаклари нафақат водий вилоятлари, балки Ўзбекистон, Марказий Осиё, ҳатто араб мамлакатларигача жўнатилмоқда. Қадимий услубда чиройли бичиқлар билан юксак дид ила тикилаётган бу кўйлаклар ниҳоятда бежиримлиги билан ажралиб туради. Чеварлар шу йилнинг биринчи чорагида 81 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришди.

СУРАТДА: илғор тикувчи Зулфия Қирғизова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР

Шу йил 28 майдан 4 июнгача Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳрида қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг XI конференцияси бўлди.

Бу халқаро анжуман ишида Осиё, Европа, Африка ва Лотин Америкасидаги 108 давлат вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон делегацияси бундай кенгашда иккинчи марта қатнашди. Озарбайжон ва Италия делегациялари анжуманда меҳмон сифатида иштирок этди. Конференция қатнашчилари Жанубий Африка Республикасини қўшилмаслик ҳаракати аъзолигига қабул қилдилар.

Анжуманда қўшилмаслиқ ҳаракатининг аҳамияти, қўшилмаслик ҳаракати ва БМТни қайта қуриш, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, қўшилмаслик ҳаракати ва маҳаллий можароларни бартараф этиш каби масалалар юзасидан мунозаралар бўлди.

Анжуман қатнашчилари иқтисодий ҳамкорлик соҳасида янги тартибни вужудга келтириш зарур деган фикрни айтдилар. Бундай тартиб учинчи дунё мамлакатлари иқтисодий тараққиёти жараёнини тезлаштиришга кўмаклашмоғи лозим. Муҳокама қилинган бошқа масалалар юзасидан ҳам аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қўшилмаслиқ ҳаракатининг олий даражадаги навбатдаги кенгашини қачон ва қаерда ўтказиш ҳақида ҳам келишиб олинди. У 1995 йил сентябрь ойида Колумбия пойтахти Богота шаҳрида бўлади.

**(ЎзА).**

*Қисқа сатрларда*

### МАЗАЛИ МАҲСУЛОТЛАР— БОЛАЛАРГА

«Ёш куч» ҳиссадорлик жамияти, мана, бир йилдирки, Жиззах шаҳридаги мактаб ошхоналарини, институт ва техникумлар талабаларини, болалар боғчаларини ширин-шакар нон ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. 71 кишидан иборат ҳиссадорлар кунига 40 миллион сўм-купонлик мазали маҳсулотлар чиқариб эл олқишини оляптилар.

Бугунги кунда корхона жамоаси шаҳарнинг бир неча мавзеларида ўзларининг фирма дўконларини ҳам очишди.

**Ф. БОБОДЎСТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

Жиззах трикотаж фабрикасида ўтган тўрт ойда ишлар тиғиз бўлди. Бунинг ўзига хос сабаби бор: хомашё йўқлигидан цех ва бригадаларда ойлаб иш тўхтаб қолган пайтлар бўлганди.

Мана, ниҳоят бу муаммо ҳал этилиб ишлар юришиб кетди. Қўшни Қирғизистоннинг Тўқмақ шаҳридан 40 тоннадан зиёд биринчи навли жун калава олинди. Бундан ташқари Украинанинг Черновци шаҳридан, Белорусдан 140 та тўқув ва тикув машиналари келтирилиб ўрнатилди. Ҳаракатда баракат, деб шунга айтадилар. Қисқа даврда салкам 9 миллиард сўмлик катталар ва болалар устки кийимлари буюртмачиларга етказиб берилди.

### БИР ОЙДА 1,5 МИЛЛИОН ПАЙПОҚ

Жиззах пайпоқ тўқув корхонаси бугунги кунга келиб ана шундай ишлаб чиқариш қувватига чиқиб олди. Бу осон бўлмади. Пахта-қоғоз хомашёси Қўқондаги «Учкўприк» фабрикасидан олиняпти, эластик хомашёси узоқ Саратов шаҳридан келтириляпти. Эркак ва аёллар пайпоқлари, болалар колготкасининг тўқсон фоизи, асосан, ички бозорда тақсимланяпти. Қолган қисми мол айрибошлаш йўли билан таъминотчиларга жўнатилмоқда.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ШАҲРИСАБЗНИНГ НЕЪМАТИ КЎП

ҚАШҚАДАРЁ вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси томонидан Шаҳрисабз шаҳрида тикланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган деҳқончилик саноати мажмуида кунига икки тонна миқдорида маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган конфет цехи ишга туширилди. Яна лимонад, минерал сув, консерва ишлаб чиқариш цехлари барпо этилаяпти, чехиялик ҳамкорлар билан биргаликда пиво ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Шуниси ажабланарлики, пиво қуйиладиган шиша идишларни ҳам шу ернинг ўзида тайёрлаш мўлжалланмоқда.

**Г. ПЎЛАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

### МУҲИМ МАВЗУДАГИ ХАЛҚАРО СЕМИНАР

**ТОШКЕНТДА «Ташқи қарзларга доир жараёнларни бошқариш масалалари»га бағишланган халқаро семинар иш бошлади.**

Ўн кун давом этадиган бу йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ташаббуси билан Жаҳон банки ёрдамида ўтказилмоқда. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Албания Марказий банкларининг ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда Иқтисодиёт ва Молия вазирликларининг етакчи мутахассислари иштирок этадилар. Тингловчилар ҳузурида мавзуга доир маърузалар туркуми ўқилади.

### БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

**ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги марказий боғда санъат байрами бўлиб ўтди.**

Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда келажагимиз эгалари— болажонлар асосий иштирокчи бўлишди. Унда ашула ва рақс дасталари, ҳаваскорлик гуруҳлари меҳмонларга қувонч улашишди.

### ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ҲОСИЛИ



**СИЗ КЎРИБ турган суратда Шеробод туманидаги пилла қабул қилиш пунктининг манзараси акс этган. Пиллакорлар ҳар йили мўл ҳосил олиш билан иқтисодиётнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ипакчилик бирлашмаси бошлиғи Қ. Абдураимов, ҳосилот Ч. Худойбердиев, хўжалик раиси Қ. Дўлманов ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.**

### ГУМБАЗ СОЗ БЎЛАДИ

**ХЕВАДАГИ Паҳлавон Маҳмуд мақбараси гумбазини таъмирлашга киришилди.**

Республика «Меъмор» уюшмаси ва вилоят илмий-меъморий бирлашмаси усталари амалга оширадиган бу юмушга бир миллиард сўм миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

### ЎЧОҚДА ЎТ ЁНИБ ТУРСА БАС

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва қишлоқларни газлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

«Элликқалъа» жамоа хўжалигининг марказий қўрғонидаги 150 хонадонга табиий газ келтирилди. Бунинг учун 50 километр қувур ётқизилди. Туманнинг 90 фоиз аҳолиси табиий ёнилғидан фойдаланмоқда.

### ҚОРАКЎЛ МАВЖЛАНАДИ



**КОНИМЕХ Навоий вилоятидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган йирик туманлардан бири. Олдош Тўлаганов бош бўлган фермада бу йил 6333 дона сур ва қоракўл тери тайёрланди.**

**Суратда: ишчилар Раво Бўрибоева ва Меронгул Сакинбоева қоракўл териларига ишлов беришмоқда.**

### ҚИШЛОҚДА НОН ЗАВОДИ

**ҚАШҚАДАРЁ вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси туман марказларида кичик корхоналар қурмоқда.**

Яккабоғ туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида ва Косон туманидаги Пўлати қишлоқларида қурилган нон заводлари маҳсулот бера бошлади. Кунига 1,5—2 тонна тансиқ таом тайёрланадиган дастгоҳлар узлуксиз ишлаб турибди. Улардан сифатли ва хуштаъм маҳсулотлар хўрандаларга етказиб берилмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР

*ИСЛОҲОТ ҚИРРАЛАРИ*

## ЭРТА, СИФАТЛИ ВА МЎЛ ПАХТА ЕТИШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 ноябрдаги мажлисида Президентимиз И. Каримов пахта ҳосили кеч пишиб етилаётгани тўғрисида куйиниб гапириб, шу соҳа олимлари ва мутахассислари олдига ғўзанинг тезпишар ва ҳосилдор навларини, уларни парваришлаш технологиясини яратиш ва тезроқ жорий этиш вазифасини қўйдилар. Ҳосилнинг асосий қисми кеч куз ойларида ёғин-сочин остида терилаётгани ва оқибатда нес-нобуд бўлаётгани кўзда тутилиб, пахтани асосан октябрь ойи ичида йиғиштириб бўлиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг «Бир марта ёмғир ёки қор ёғса, пахтанинг сифати пасаяди. Пахта бўлса бас, териб оламиз, деган гап тўғри эмас. Пахта етиштиришга масъул олим ва мутахассисларимиз ҳам масъулиятни ҳис этиши керак» деганларига тўлиқ қўшиламиз.

Республикамизда пахта ҳосилини октябрь ойида териб олиш учун эртапишар навлари ҳам, имкониятлари ҳам мавжуд. Бунинг учун етарли тажриба ҳам бор. Хўш, шундай экан деҳқонларимизнинг пахта ҳосилини октябрь ойида тўла териб олиш орзу-ҳаваси нима учун кўп йиллардан буён рўёбга чиқмай келди? Чунки, собиқ СССР даврида пахтага юз фоиз қатъий давлат буюртмаси бўлиб, режа йилдан-йилга ошириб борилар эди. Пировардида бу кўрсаткич, ҳатто 6 млн. тоннагача етди. Бу нореал режани бажарамиз деб, наинки алмашлаб экиш ва деҳқончиликнинг бошқа қоидалари бузилиб кетди, балки режани бажариш учун чаноғдаги охирги чигитларни ҳам теришга мажбур эдик, бу иш ноябрнинг охири, декабрь ойларига ўтиб кетарди. Терим ҳам мажбурий услубда олиб борилар, деҳқонларимиз ва шаҳарлардан чиққан ёрдамчилар қийин шароитда ишлашга мажбур эдилар. Охирги, сифати паст пахтани теришга кетган ноўрин сарф-харажатлар туфайли пахтанинг таннархи ортиб кетарди. Бундай нотўғри иш юритиш нафақат қишлоқ хўжалиги балки халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига ҳам катта зарар етказди.

Республикамиз сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлгандан кейингина масалаларни ҳал қилишда эркинлик пайдо бўлди. Мана энди халққа берилган енгиллик иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириши табиий. Шуларни кўзда тутиб ва пахтачиликда илмий асосларни жорий этиш мақсадида илгариги 6 млн. тоннали пахта режаси 1993 йилга келиб 4 млн. 300 минг тоннага тушди, 1994 йилга эса 4 млн. тонна мўлжалланган. Режанинг оқилона миқдоргача камайтирилиши мустақиллигимизнинг шарофатидир. Режани камайтиришдан мақсад алмашлаб экишни тўлиқ йўлга қўйиш, республикамиз учун зарур бўлган озуқа ва бошқа экинлар майдонларини кенгайтиришдир. Бироқ пахта режасининг камайтирилгани ва бошқа имкониятлар яратилганига қарамай, ҳосил ҳамон эрта муддатларда териб олинмаётганлиги Президентимизни ташвишга солиши ўринлидир.

Бунинг сабаблари нималардан иборат? Бизнингча, республикамизнинг барча ҳудудларида пишиш муддатлари ҳар хил бўлган 30 дан ортиқ пахта навлари экилаётгани, фан тавсия қилган парваришлаш технологияси бузилаётгани ҳисобига эртапишар навлар ҳам кечикиб етилаяпти.

Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг олимлари республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги мутахассислари ва тажрибали деҳқонлар билан ҳамкорликда пахтанинг 19 та тезпишар навларини танлаб, уларни етиштириш технологияси бўйича илмий ва амалиётда синалган тадбирларни умумлаштириб, тавсиялар тайёрладилар. У республика ҳукумати томонидан тасдиқланди.

Олимларимиз кейинги йилларда 108-Ф навига нисбатан 10 кун аввал етиладиган серҳосил, вилтга чидамли «Тошкент-6», «Қирғизистон-3», С-9070, С-4727, «Ан-Боёвут-2», «Юлдуз», «Чимбой-3110», «Фарғона-8», «Термиз-16,24» «Қарши-8» каби навларни жорий этдилар. Аммо фан тавсия этган агротехник тадбирлар оқилона муддатларда бажарилмаётганлиги сабабли ҳосил кеч пишиб етилаяпти. Чунончи, ғўза ниҳоллари 1-2 чинбарг чиқаргунга қадар ягана қилинмаса, ҳосилдорлик 4-5 центнер камайиб, кўсакларнинг очилиши 7—10 кунга кечикади. Ғўзаларни охирги озиқлантириш 10—15 июлдан кечиктирилса, кўсакларнинг пишиши ноябрь—декабрь ойларигача чўзилиб кетиши мумкин. Шунингдек, фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмасдан фақат (меъёридан ортиқ) азот солинса, кўсакларнинг очилиши 15—20 кунга кечикиб, пахта толасининг пишиқлиги пасаяди. Ўз муддатида эгат ораларига ишлов берилмаса, бегона ўтлар йўқотилмаса ва вақтида суғорилмаса ғўзанинг ўсув даври чўзилади. Демак, биз мавжуд имкониятларимизни ўз қўлимиз билан йўқ қилаяпмиз. Ҳақиқатан ҳам парвариш жараёнида содир бўлаётган бундай камчиликларни бартараф этиш, асосан ташкилий ишларга боғлиқ.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси «Эртапишар ва мўл пахта етиштириш бўйича тавсиялар»ни 4000 нусхада оммабоп қилиб чоп этди ва республикамизнинг барча вилоятлари хўжаликларидаги мутахассисларга юборди. Унда пахтанинг жумҳурият бўйича туманлаштирилган 19 та тезпишар, юқори ҳосилли нави, уларнинг тавсифи парваришлаш технологияси билан бирга баён қилинган. Республикамизнинг ҳар хил иқлим ва тупроқ шароитига тўғри келадиган навларни етиштириш агротехникасини жойлардаги деҳқонлар ва мутахассислар ўзларига керагини танлаб олаверадилар.

Ўйлаймизки, тавсияда келтирилган маълумотлар умумий йўлланма бўлиб, аниқ хўжалик шароитида бир мунча ўзгаришлар киритилиши мумкин. Жойлардаги деҳқонлар ва мутахассислар рисолада келтирилганларни муҳокама қилиб, айрим камчиликларни ва ўзларининг таклифларини Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига ёзиб юборсалар, биз бу таклифларни ўрганиб, келажакдаги ишларимизда фойдаланган бўлар эдик.

**С. УСМОНОВ,**
**академик.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Халқаро ишлар қўмитасининг аъзоси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер

**Қўзибоқар СИНДОРОВ**

1994 йил 8 июнь куни 70 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

